



Инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳамма нарсадан устун

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, одамлар ҳаётини қутқариб қолишга ҳамда соғлигини сақлашга, атроф-муҳитга етказилган зарарни ва моддий талафотларни камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан 2011 йил 2 февраль куни Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ҳокимлигида «Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида ташкил этилган семинарда шу ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тегишли участкаларида қирғоқни мустаҳкамлаш, кўтарма тиклаш ва бошқа муҳофаза ишлари олиб борилди: 2679 минг куб метр тупроқ ишлари, 90119 куб метр тош ишлари, 14634 куб метр бетон ишлари бажарилди, 1680 километрик магистрал каналлар тозаланди. Бундан ташқари, мамлакатда аҳолини хавfli геологик ва гидрометеорологик ходисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун 2010 йилда хавfli жойлардаги 158 та хўжалиқдан 917 нафар одам эвакуация қилинди, шу жумладан, 72 та хўжалиқдан 395 нафар одам ичимлик суви, энергия ва газ, тиббий хизмат, алоқа, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва бошқалар билан таъминланган обод посёлкаларга доимий яшаш учун кўчирилди.

Семинар иштирокчилари қайд этиб ўтганларидек, шахснинг жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро ҳимояси соҳасидаги фаолиятини тартибга соладиган, инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлигининг устуворлиги принципини қарор топтирадиган қонунийлик базаси амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар мобайнида аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан яратилган фавқулодда вазиятларда оқоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (ФВДТ) кучлари ҳамда воситалари томонидан амалга оширилмоқда.

ФВДТ функционал ва ҳудудий кичик тизимларининг аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишлари «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Қазирлар Мақамасининг бир қатор қарорларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, семинарни ўтказиш жойининг таъини бежиз эмас. Тоғли ерда жойлашган Бўстонлик туманида мамлакатимиз табиий-иклим шароитининг ўзига хос хусусияти ойнада акс этгандек кўринади. Туман ҳудудидан юқори сейсмилик, сел келиши ва тоғ кўчиши қаби хавfli ходисаларнинг кучайиши реаллиги аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида биринчи навбатда бажарилуши керак бўладиган ишларни белгилайди. Туманда хавfli геологик ва гидрометеорологик ходисалар билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан зарур ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, табиий ходисалар кучаядиган даврда хавfli зоналарга одамлар ва транспортни киритмаслик мақсадида техник ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус постлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Қазирлар Мақамасининг бир қатор қарорларига мувофиқ олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



Эмедулла НОРИМҲОДИЕВ ошган суратлар.

Тадбиркорлар учун ўқув-семинар

Қиррай туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг Тошкент вилояти ҳамда туман бўлимлари вакиллари иштирок этди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгиланган муҳим устувор йўналишлар ҳамда жорий йилнинг

юртимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши сиёсий партиялар олдига ҳам масъулиятли вазифаларни кўймоқда. Ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳолини, айниқса, тадбиркорларни юртимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлардан кенгрок хабардор қилиш, аҳолининг кам таъминланган, ишга лаяқатли ва иқтисодий фаол қатлами янада қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича ўзаро фикр алмашишдан иборатдир. Ўқув-семинарда Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси

ўринбосари Ш.Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ш.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётганини, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишда банк кредитлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Семинар қатнашчиларига тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани, кредитлар бериш тизимида амалга ошириладиган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўқув-семинар якунида 30 нафардан ортиқ тадбиркорга тижорат банкларида кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Эътироф

Давлатингиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция Ўзбекистонга сармоя киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим рағбат бўлади. Мамлакат яппи ички махсуслатининг жадал ўсиши амалга ошириладиган ислохотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодийта аралашуви мунтазам камайирилмоқда, айни пайтда у самарали менежер, зарур таркибий ва солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширувчи бўлиб қолмоқда.

Святослав ВАРДЖАКОВ, Кембриж форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти (Буок Британия)

Хушxabарлар

«Сугдиёна-нон»

Навоий шаҳрида нон махсуслатлари тайёрланадиган яна бир кичик корхона ўз фаолиятини бошлади.

«Сугдиёна-нон» масъулияти чекланган жамият хар куни ўртача 5,5-6 тонна унни қайта ишлаб, 16 турдаги нон махсуслатлари ишлаб чиқаради. Асбоб-ускуна ва илгор технология хориждан келтирилган.

Махсуслатларимизга зарафшонлик, учқудуқлик аҳоли ҳам буортма бераяпти, — дейди корхона етакчиси Улугбек Умаров. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳага бериладиган эътибор биз ишбилармонлар кучига куч қўшмоқда. Корхона қувватини ошириш эвазига ишчиларимиз сонини 40 нафарга етказамиз. Ва бир кечакундузда ўртача 10 тонна унни қайта ишлаш имкониятига эга бўламиз.

Шаҳрихонда буюм бозори

Шаҳрихон туманида янги буюм бозори қурилишига киришилди.

Умумий майдони 3,5 гектарни ташкил этган бозорда 150 та икки қаватли турғун савдо дўкони, 450 та энгил типдаги савдо ўрин жойлари миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилади.

Бундан ташқари, меҳмонхона, умумий оқватлиниш шохобчалари, автомобиль сақлаш жойлари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари барпо этилмақда. Бунёдкорлик ишлари «Шаҳрихонқурилишсервис» МЧЖ қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.

Спорт

Энг юқори поғона

Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда дунёнинг унга яқин мамлакатидан келган юз эллик нафардан зиёд истеъодли боксчи голиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиздан Ойбек Мамазулов, Муҳаммадсуф Саидов, Руслан Тўлаганов, Исзатулла Эргашев ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

O'zbekiston havo yo'llari



Xizmatlar litsenziyalangan

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Муаммо ечим топди

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши сессияси уни маъқуллади, ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилади.

2010 йил декабрь ойида халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг VII сессияси бўлиб ўтди. Унда «Вилоят маҳаллий бюджетининг 2010 йил қутилаётган ижроси ва 2011 йилга мўлжалланган бюджетнинг асосий параметрлари

тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида 20-Пахтаобод сайлов округидан депутат, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ақром Иномов вилоят ҳудудига яқин тартибда уй-жой қуриладиган ҳудудлар

да инфратузилмани шакллантириш, уларнинг табиий газ, электр қуввати ва ичимлик суви тармоқларига марказлашган тартибда улашсини таъминлаш ва бу ишлар учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш ҳақида таклиф киритди. Гап намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар ҳақида эмас, балки янгидан

ер участкаси олиб, яқин тартибда уй-жой қураётган фуқароларнинг ичимлик суви, табиий газ, электр тармоқларига ўзларича улашиб олишлари натижасида жойларда тегишли меъёрий ва техник тартиб-қоидалар бузиладигани, аҳоли масканлари қиёфаси салбий кўриниш олаётгани ҳақида эди. Депутат таклифи ана шу муаммонинг мақбул ечимини топиш ва масалани

жойида ҳал этишга қаратилган.

Партияимиздан сайланган депутатнинг жўяли таклифини сессия маъқуллади. Уни амалга ошириш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бугун эса жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди.

Иброҳим ЖОНУЗОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги иш ўринлари

Жиззах вилояти Янгиобод туманининг Баланчқоқир қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Янгиобод чеварлари» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик цехида чойшаб, спорт кийимлари ва бошқа махсуслатлар тайёрланмоқда. Корхонада бичиш, қирқиш, дазмоллаш ускуналаридан ташқари 26 донга замонавий тикув дастгоҳи узлуксиз ишлаб турибди. Бу ерда меҳнат қилаётган 50 нафар хотин-қизнинг асосий қисмини қишлоқдаги агроиқтисодийт касб-хунар коллежини битирган ёшлар ташкил этади.



ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1640,52	1 Миср фунти	282,54	1 СДР	2587,74	10 Жанубий Корея вони	14,74
1 Англия фунт стерлинги	2623,48	1 Канада доллари	1653,59	1 Туркия лираси	1023,54	10 Япония иенаси	201,66
1 БАА дирҳами	450,39	1 Хитой юани	251,01	1 Швейцария франки	1756,48	1 Россия рубли	55,76
1 АҚШ доллари	1654,25	1 Малайзия ринггити	541,14	1 Евро	2276,08	1 Украина гривнаси	208,61

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Қонун ва шарҳ

Ўтганлар хотирасига ҳурмат

Инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият. Халқимизда инсон фақат тирикликда эмас, балки оламдан ўтгач ҳам унутилмайди, хотираси қадрланади. Ўтганларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Янги йил арафасида матбуотда эълон қилинган «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонун ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишидан олдин прокуратура органлари маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини ўрганиб, қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига ҳужасизларча муносабат, фуқаролар томонидан келгусида қабр солиш учун ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, маданий-мемориал комплексларнинг фондларидан ерларни ноқонун ажратиш ҳолатлари, шунингдек, бу ҳудудларни ободонлаштиришга ажратилган бюджет маблағларининг талон-торож қилиб келинаётгани аниқлаган.

Ташаббуси тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиб, Сенатнинг IV япши мажлисида маъқулланган, 2010 йил 28 декабрдан кучга кирган «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонун мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятта эга.

Бу Қонун дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, дафн этиш ва дафн этиш жойлари, вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси ва унинг хоҳиш-иродасини бажарувчилар ҳақидаги тартиб-қоидалар назарда тутилган. Яъни, шахснинг вафотидан кейин унинг жасадига қай тартибда муносабатда бўлиш тўғрисидаги ҳоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда, уни дафн этиш, дафн этиш учун нафақа бериш ҳамда моддий ва бошқа бериш кўрсатиш қарорларини белгилаш, дафн этиш жойларини танлаш ва сақлашда экологик меъёрулар — санитария ҳолати, шахарсозлик меъёрлари ва бошқа қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш, дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаш шулар жумласидан.

Туман ё шахар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан кўририлиши мумкин. Бу қонунда белгилаб қўйилган.

Маълумки, дафн этиш ва дафн ишида вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қонунда вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қатор меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилди. Инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканини эътиборга олган ҳолда, мазкур қонун билан республика ҳудудида ҳар бир инсонга унинг ўлимидан кейин жасадини вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда, қонунга мувофиқ дафн этиш ва дафн этиш учун жойини текшириш қарорлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!



Хўрсандбек АРАББЕКОВ олган сурат.

«Хўжабод» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Матлубахон Гафорова.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори.

Кўнглимиздаги иш бўлибди

Эҳтимом, мўйсафид ёшидалигим ёки ўта нозик мавзу бўлганиданми, бу қонун инсонни қадрлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлгани ҳақида фикр билдирмай иложим йўқ.

Ҳа, ўлим ҳақ, у ҳаманингни бошида бор. Унга тайёр бўлиш керак. Инсон ёши ўтган сари, руҳий тушқунликдан эмас, охириятнинг борлигидан улимни тез-тез эслайди. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Мисрдаги пирамидалар бундан беш минг йил аввал ҳали фиръавнлар тирик ҳолатда қурилган. Аммо уларни ҳам ўлим олиб кетди. Бу — абадий қонунга ўзгармас эканидан далolat эмасми? Шу маънода, мазкур қонун

ҳар бир инсон учун қимматлидир. Унинг қабул қилинишига сабаб, Республика Бош прокуратураси томонидан текшириш ўтказилгани, баъзи қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига ҳужасизларча ва масъулиятсизлик билан қараш, айрим фуқаролар томонидан келгусида оила аъзолари ва қариндошлари учун қабристонлардан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланган. Тўғриси, бун

дай номақбул ишлар кўпчиликка маълум эди, оддий одамларнинг газабини келтирарди. Аммо бу ноҳўя хатти-ҳаракатларни тартибга солиш зарур эди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда айрим қабристонларда дафн этиш учун жой ажратиш мутааммога айланган, ноҳақликларга сабаб бўлган бор гап. Камина 37 йил мобайнида отамни, онамни ва укамни бир қабрга қўйдим. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин! Бир қабрга икки ва ундан кўп жасад қўйилганга бир пайтда, баъзи қабристонларда муташам «обида»лар ўрнатиб, ёнма-ён соябонли кошоналар-

ни ўзбошимчалик билан куриб, «охиратларини обод қилган» замонавий «фиръавнлар»нинг бўлгуси қабр-жойларига одамларнинг кўзи тушмай иложим йўқ.

Жаннатмақон она еримиз ҳаммамизни боқади. Вақти келганда, бағрига олади. Унинг бағри кенг, ҳаммага тенг. Ўзбошимчалик билан ажратиб олингану, ҳозирча бўш туриб, гуллар экилган ерлардан адолатли фойдаланилса, қонун ўстуворлиги таъминланган бўларди, деб ўйлайман.

Эркин ИБРОҲИМОВ, меҳнат фаҳрийси. Тошкент шаҳри

Замонавий спорт жиҳозлари тайёрланмоқда

Соглом ва баркамол авлодни тарбиялашда замонавий спорт иншоотларининг аҳамияти беқиёс.

Айни пайтда аниқ дастур ва режалар асосида уларни замонавий спорт жиҳозлари ҳамда анжомлари билан таъминлашда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қувонарли жиҳати, спорт мажмуалари ва спортчиларга етказиб берилган жиҳоз, анжом ҳамда кийим-кечакларни маҳаллий санаят қорхоналарида ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилаётган.

спорт турлари анжомлари, спортчилар сумкалари сифати истеъмолчилар томонидан юқори баҳоланадиган. Ўтган йили қорхонада 2 миллиард 866 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимизда мазкур қорхоналарни модернизация қилиш, янги технологиялардан фойдаланиш дастига кўра, жамиятда бу йил ҳориждан замонавий 70 та тикув машиналари келтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Янги технологиялардан фойдаланиш мажмуотлар турини кўпайтириш, сифатини оширишга ҳизмат қилади.

Аҳмадилло СОЛИБ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатнома берилди, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, курилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қўйилган тақдирда.

Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамга кўнгироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамга кўнгироқ фақат туман ва шахар АТС рақамларидан аамалга оширилади)

Table with 4 columns: No, Prokuratura organlari, Iшонч телефонлари, and phone numbers for various regions.

Бундан ташқари, барча туман, шахар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кўнгиллиги қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши
Хамза туманидаги 28-ойлавий поликлиника бош шифокори, партия фаоли
Нигора ШЕРМУҲАМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Самарқанд магнетизм мактаби

шақлланиши ва тараққиёти

Орамизда «Кўринмас одам» фантастик романини ўқимаган ёки фильмни томоша қилмаган, кўзга кўринмаслик сирини кашф этган физик олимнинг аянчли тақдирдан қуялмаган одам кам топила керак. Бироқ асарда тилга олинган воқеалар ўша давр учун ҳаётдан бошқа нарса эмасди. Аслида, буюк адиб келажақ ихтиросини башорат қилган эди. Бугун эса тадқиқотчилар бундай кашфиёт яқин йилларда амалга ошиши мўқаррлиги ҳақида гапирмоқда. Улар ўз сўзларини физика фанининг муҳим, долзарб йўналишларидан бири — магнетизм ёки модданинг конденсирланган ҳолати ва нанофизика тараққиёти билан изоҳлашмоқда.

Авалло, фаннинг мазкур йўналишига тўхталиб ўтсак. Магнетизм модданинг универсал, яъни элементар заррачаларидан тартиб, барча мавжудот ва жисмаларга хос хоссаиридир. Агар магнит майдони бўлмаганда эди она сайёрамизда ҳаёт тўхтарди. Ернинг магнит майдони инсон организми, шунингдек, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

салликларини даволаш ишлари йўлга қўйилган.
Электр ва магнит ҳодисалари хусусидаги илк тасавурлар милоддан аввалги VII асрга оид ёзма манбаларда учрайди. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Фалес ўз асарларида тўқимачилик уқсунларининг матога ишқаланиши натижаида тортишчи қонунни юз беришини таъкидлаган. Инглиз шифокори Жалберт ипакка ишқаланган шиша ва бошқа турли моддалар ҳам шундай хусусиятга эга эканлигини аниқлаган. Бу каби хоссага эга бўлган жисмлар қаҳрабонланган, яъни зарядланган жисмлар деб аталган. Шундай бўлса-да, ушбу соҳа XIX-XX асрларга келиб ривожлана бошлади.

ёқрайдиган муҳим илмий марказлар қаторидан ўрин олди.
Хусусан, мазкур кафедра олимлари томонидан металлларнинг электр қаршилиги контактсиз усулда магнит қабул қилиши ва Холл эффектини қаттиқ ёки суёқ ҳолатларда текширадиган замонавий қурилма ярақилиши физика фани ривожидан муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, маълум жойдаги магнит майдонининг ўзгариши айнан шу ўринда механик тебранишнинг ўзгаришига олиб келишини



Екатиренбург шаҳрида «Магнетизм ютуқлари» га бағишланган халқаро анжуманда Самарқанд магнетизм мактаби вакиллари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди. Унда профессор Облокул Қувондиқов муаллифлигида нашр этилган «Магнетизм ва магнит материаллар» номли монографияни инглиз тилига таржима қилиш таклифи ҳам киритилди.

кўрсатиб берадиган асоб ҳам ихтиро қилинди. Ушбу ноёб қурилма ҳозир ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг қўланилмоқда.
Шунингдек, Самарқанд давлат университети ва қишлоқ ҳўжага ли институтини олимлари ҳамкорлигида магнит майдонининг таъсири туфайли карточканинг ҳосилдорлиги 3-4 фоизга ошиши аниқланди.

дараларда шу пайтгача зарар кўрмай, сақланиб келган ранглар сирини тадқиқ этишди.
Дарвоқе, «Кўринмас одам» ҳақида. Бундан 4 йил аввал Италия пойтахти Рим шаҳрида шу каби масалаларни ҳал этиш усутида изланишлар олиб бораётган физик олимларнинг биринчи халқаро анжумани ўтказилган эди. Унда Самарқанд магнетизм мактаби асосчиси Облокул Қувондиқов томонидан қилинган маъруза магнетизм соҳасининг йирик мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

дидларда шу пайтгача зарар кўрмай, сақланиб келган ранглар сирини тадқиқ этишди.
Дарвоқе, «Кўринмас одам» ҳақида. Бундан 4 йил аввал Италия пойтахти Рим шаҳрида шу каби масалаларни ҳал этиш усутида изланишлар олиб бораётган физик олимларнинг биринчи халқаро анжумани ўтказилган эди. Унда Самарқанд магнетизм мактаби асосчиси Облокул Қувондиқов томонидан қилинган маъруза магнетизм соҳасининг йирик мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

Самарқанд магнетизм мактаби эришган ва эришаётган бу каби муваффақиятлар жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини яна қадимий шахар томон қаратди. 1984 йилда магнетизм бўйича навбатдаги халқаро симпозиум ҳам айнан Самарқандда ўтказилди.
Охириги 10-15 йилда магнит ҳодисалари физикаси ҳамда унинг бошқа фанлар билан интегратциялашуви туфайли янги йўналишлар пайдо бўлди. Бу эса Самарқанд магнетизм мактаби олдига ҳам бир қатор долзарб вазифаларни қўйди.

Шунингдек, 2006 йилда Самарқандда 30 мамлакатдан келган физик олимлар иштирокида ташкил этилган «Мураккаб материалларнинг электромагнит хоссаи» га бағишланган халқаро конференция юксак савияда ўтказилди.
Америкалик машҳур олим, Рандар техникасининг асосчиси Р.Митра ушбу анжумандан олган таассуротлари ҳақидаги маъ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, магнит бўронлари ҳақида олинган ишончли маълумотлар асосида баъзи касалликлар, жумладан, юрак-қон томир, астма, бронхит, артроз, паранатоз, гипертония ва бунинг хасталиқларининг бемалол олдини олиш мумкин.
Хозирги кунда магнит аппликаторлари ёрдамида инсульт, кўз касалликлари, астма, гипертония ва бунинг касалликларини даволаш ишлари йўлга қўйилган.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# Мутафаккир шоир ижодига бағишланди

Мамлакатимиз таълим ва маданият муассасаларида буюк мутафаккир шоир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган ижодий кечалар, давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий қончилик коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув yurtлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

Навоийнинг «Фарҳод» маданият саройида «Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий қончилик коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув yurtлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

## Спорт

# Ўзбек футболининг ғалабали одимлари ҳали олдинда

XV Осиё чемпионатига қадар Ўзбекистон миллий терма жамоаси қайд этган энг юқори натижаси — чорак финал бўлган. Доха (Қатар)да ўтказилган Осиё кубоги баҳсларида Вадим Абрамов бош мураббийлигида тўп сурган вакилларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг ярим финалигача етиб боришди.

Кунди кеча Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари кўп сонли мухлислар, ўфФ вакиллари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди.

Кунди кеча Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари кўп сонли мухлислар, ўфФ вакиллари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди.

Эркин ХОЛБОБО

## Солиқ тизими

# Камерал назорат самарадорлиги

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ тизimini тубдан яхшилаш, соҳани жаҳон талабларига мос тарзда такомиллаштириш мақсадида кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалий ўзгаришлар — янги Солиқ кодексининг қабул қилиниши, солиқ органлари тизimini янада модернизация қилиш, солиқларни бошқаришнинг замонавий усул ва механизмлари жорий этилиши соҳа фаолиятини яхшилашга имкон бермоқда.

Кейинги йилларда солиқ тўловчилардан солиқ ҳисобларини қабул қилишдаги янгилар, хусусан, ҳисоботларни электрон тарзда топширишнинг кенг йўлга қўйилиши тадбиркорлик субъектларига катта қулайликлар тугдирмоқда. Аммо, шунга қарамай, улар томонидан ҳисоботларда ялпи даромадларни камайтириб

кўрсатиш ҳолатлари учраб тўрибди. Бу эса хуфиёна иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келади.

Солиқ кодексининг 70-моддасига биноан, солиқ хизмати ходимларига камерал назоратда ўтказиш учун солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан, муҳими унинг фаолиятига аралашмасдан, тақдим этилган

## Тиббиёт масканларида



# Соғлом оила — соғлом зурриёд

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофазасига қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари жойларда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу борада соғлиқни сақлаш тизимининг, айниқса куйи бўғинида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Юнусобод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникасида ҳам она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Эътиборан ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси поликлиникада саломатлик ҳафтаси деб эълон қилинган. Туманимизда истиқомат қилаётган 14 ёшгача бўлган болалар ва фертил ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиши, — дейди поликлиниканинг умумий амалиёт шифокорлари 1-бўлими мудири Клара Тўшметова.



Хулафа қилиб айтганда, солиқ тўловчилар ўз фаолиятлари солиқ хизмати ходимлари томонидан доимий назоратда эканлигини тўғри аниқлаш керак. Шунингдек, солиқ ҳисоботларини тақдим этишда ялпи тушумни камайтириб кўрсатиш ёмон оқибатларга асосан прокуратурасига ўтказилган ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Хулафа қилиб айтганда, солиқ тўловчилар ўз фаолиятлари солиқ хизмати ходимлари томонидан доимий назоратда эканлигини тўғри аниқлаш керак. Шунингдек, солиқ ҳисоботларини тақдим этишда ялпи тушумни камайтириб кўрсатиш ёмон оқибатларга асосан прокуратурасига ўтказилган ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Қариси бор уйнинг — париси бор

# Сабр-қаноатли, хотиржам инсонлар узоқ яшайди

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 200 мингга яқин кексалар умргузаронлик қилишмоқда. Уларнинг 1 минг 340 нафари 90 ёшдан оғир бўлиб қўйилган бўлса, 200 дан оғирроғи юз ёшдан оғирроғи. Масалан, денонлик Ханифа Мамаева 116 ёши қарилган бўлса, Шўрчи туманидаги «Култепа» маҳалласида истиқомат қилувчи Ойтўра Қорабоева 114 ёшда...

«Узоқ умр кўришининг сирини нимада?» — Фарзандлар қобил, бамаъни бўлса, ота-онанинг умри узади болам, дейди мого. — Инсонни гам-қайғу хоритса, жисмоний меҳнат чинкиратири. Ҳозир ҳам эрталаб соат 5 да ўйғониб, ховли, томорқаларни бир кўздан кечираман.

«Кекса авлод вакиллари бугун эъзозда, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Орзикул Соатов. — Вожадаги мактаб, лицей, коллеж ва Термиз давлат университети қошида «Мадада-гамхўрлик» гуруҳлари ташкил этилган. Улар 996 нафар қариюрлар ҳолидан муғтазам хабар олади, уларга ёрдам беради.

«Тиббиёт асосини Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунари» китобида инсоннинг йилгача яшаши мумкинлигини айтган, — дейди шифокор Хайитали Менгортиқов. — Демак, узоқ умр кўриши атроф-муҳит ҳамда тўғри овқатланишга ҳам боғлиқ. Турли кўкат, мева, суг, қатиқ, табиий шарбатлар кони фойда. Ҳайку тикилашда, асаб тизими мустаҳкамлашда, яхши ором оласиз. Шунингдек, сабр-қаноатли, хотиржам, меҳри дарё кишилар узоқ яшайди...»

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ҲАВО 3-4.02. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	13°C	15°C
Самарқанд	13°C	18°C
Нукус	2°C	7°C
Қарши	14°C	19°C
Урганч	2°C	7°C
Навоий	2°C	7°C
Фарғона	8°C	13°C
Бухоро	2°C	7°C
Андижон	8°C	13°C
Наманган	8°C	13°C
Термиз	14°C	19°C
Жиззах	13°C	18°C
Гулистон	13°C	18°C
Тошкент вил.	13°C	18°C
Лондон	6°C	4°C
Париж	-3°C	-1°C
Москва	-10°C	-7°C
Мадрид	-1°C	1°C
Пекин	-6°C	-5°C
Гонгконг	14°C	12°C
Рим	3°C	5°C
Анкара	-5°C	-7°C
Токио	0°C	3°C
Стокгольм	-1°C	-2°C
Кейптаун	17°C	19°C
Қоҳира	6°C	7°C
Гавана	14°C	12°C
Вашингтон	1°C	-1°C

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'af'or HOTAMOV, Musilihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7633